

**БЕРДИ РАҲМАТ**

# ***ЙЎЛ***

***Шеърлар***



Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент — 2012

УДК: 822.512.133

ББК 84(5Ў)6

РЗЗ

Йўл: шеърлар / Берди Раҳмат. — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. — 88 б.

УДК: 822.512.133

ББК 84(5Ў)6

«Бизга яхши ва ҳар хил шоирлар керак» — деган эди устозлардан бири.

Қўлингиздаги тўпلامдан ўрин олган шеърлар ҳам яхшилиги ва бошқаларга ўхшамаслиги билан эътиборингизни тортлади. Бошқача айтганда, сизни ўзгача дунёга — самимият дунёсига олиб киради.

— Қандай қилиб?

— Юракдаги йўлдан етаклаб.

Ҳа, ҳар кимнинг юрагига бир йўл бор. Сиз бу йўлни шоир Берди Раҳматнинг қўлингиздаги ушбу шеърини тўпламидан варақлаганингизда ҳис этасиз, деган умиддамиз.

ISBN 978-9913-06-303-1

Alisher Navoiy

2013/76

5888

Uzbekiston MK

© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2012 й.

## НАЙ НОЛАСИ

Най ноласи субҳидамда  
Сукунатни уйғотди.  
Куйни тинглаб сукунат ҳам  
Оғир ўйларга ботди.

"Нега нола чекади най  
Айрилгандек ёридан?"  
Сукунатнинг хабари йўқ  
Қишлоқнинг анҳоридан.

Оқиб кетди қанча юлдуз,  
Оқиб кетди Оймома.  
Субҳидамда қолганлари  
Юборган эди нома:

"Бизлар ҳам кетаяпмиз,  
Ухлама, кўтаргин бош.  
Кўзингни оч, биз каби  
Оқиб кетмасин Қуёш".

Най ноласи субҳидамда  
Сукунатни уйғотди...

## **КУЗ ҚЎШИҒИ**

Куз - менинг онамсан, сочлари оппоқ,  
 Онамсан - ҳассага суяниб қолган.  
 Куз менинг - отамсан, оламдан ўтган,  
 Уни энди тупроқ бағрига олган.

Сен менинг ўт ичра ёшлик пайтларим,  
 Илк севгимни ёниб битган хатимсан.  
 Армондан сарвайиб кетган байтларим,  
 Хазонга айланган муҳаббатимсан.

Сен умрим қўшиғи, борлигим, борим,  
 Ўтган баҳорларим, ўтган ёзимсан.  
 Сен менинг бошимга ёққан оқ қорим,  
 Болларга тўшалган жойнамозимсан.

## **КУЗ ЁМҒИРИ**

Куз ёмғири ёғар жимиллаб,  
 Жимиллаши куйга ўхшайди.  
 Булут кўкда кезар имиллаб,  
 Замин - ёпиқ уйга ўхшайди.

Куз ёмғири ёғар жимиллаб,  
 Жимиллаши куйга ўхшайди.  
 Бу бир куйким, шунчалар оғир,  
 Кўторолмай, замин қақшайди.

## КУЗГИ ХАЗОНЛАР

*Шоир дўстларим хотирасига*

О, кузги ҳазонлар - менинг дўстларим,  
 Боғимдан қушлардек кетдингиз учиб.  
 Оллоҳ раҳматига олсин сизларни,  
 Ётибсиз, маҳкам юрт тупроғин қучиб.

О, кузги ҳазонлар - армонли қўшиқ,  
 Сиз менинг ўнгимда кўрган тушларим.  
 Бир армонимга минг армон қўшиб,  
 Кўкка эмас, ер қаърига учган қушларим...

## КУЗ ОСМОНИ

Куз осмони ғамгин, қорадир,  
 Йўқотгандай гўё бахтини.  
 Дарахтлар ҳам маюс борадир,  
 Ўз пойига тўкиб вақтини.

Кетишмоқда турналар қатор,  
 Кўкда юрак суратин чизиб.  
 Мен кезаман ғамгин дарахтзор  
 Пойидаги вақтни эзиб.

...

Нақадар тинч, осуда оқшом,  
Дунё ўхшар қадимий ғорга.  
Умрим менинг – ёнаётган шам,  
Аён фақат – Парвардигорга.

Ғор ичида ёлғиз, бир ўзим  
Ва бир дафтар юрак тўрида.  
Варақлайман тикканча кўзим,  
Ёнаётган шамнинг нурида...

...

Олис хотиротнинг ранги сарғайди,  
Ранглари сарғайди ишончларимнинг,  
Ранглари сарғайди қувончларимнинг,  
Олис хотиротнинг ранги сарғайди.

Беҳуда севиндим ўткинчи бахтдан,  
Беҳуда қайғурдим ўткинчи бахтга,  
Бир зум умидини йўқотса одам,  
Ўхшаб қолар экан кузги дарахтга.

Сен менинг умидим бўлдинг у дамлар,  
Дилда пинҳон умид бўлдим – ку сенга.  
Айт, нечун бермадинг, нечун бермадинг,  
Сен гулим, гуллаган кунларни менга

Олис хотиротнинг ранги сарғайди,  
Хотирот ўхшаркан кузги дарахтга.  
Ёмғир савалайди, шамол қарғайди,  
"Бизлар етмадик", деб шундайин бахтга.

## ЎТГАН АСР, ҚИРҚИНЧИ ЙИЛЛАР ҚЎШИҒИ

Кун узун, кунлар узун,  
Кунлар мени ёқади.  
Тун узун, тунлар узун, -  
Тунлар сочим оқарди.

Муҳаббатим мозори -  
Сочимнинг ҳар толаси.  
Уйга қайтмаган ёрим -  
Сочимнинг ҳар толаси.

Куйланмаган куйларим -  
Сочимнинг ҳар толаси.  
Орзу қилган тўйларим -  
Сочимнинг ҳар толаси.

Кун узун, кунлар узун,  
Кунлар мени ёқади.  
Тун узун, тунлар узун, -  
Тунлар сочим оқарди.

Кўксимдаги дард, алам -  
Сочимнинг ҳар толаси.  
Ҳавас қилган набирам -  
Сочимнинг ҳар толаси.

Ёлғиз уй — бўм-бўш олам -  
Сочимнинг ҳар толаси.  
Жангда ўлган беш болам -  
Сочимнинг ҳар толаси.

Кун узун, кунлар узун,  
Кунлар мени ёқади.  
Тун узун, тунлар узун, -  
Тунлар сочим оқарди.

...

Куз келса бовларда япроқ тўкилур,  
Тўкилмасин десанг ҳам кўпроқ тўкилур.  
Бир пайтда ям-яшил япроқ эдим мен,  
Қани у яшилик? - сўроқ тўкилур.  
Наҳотки, баҳорим кузга айланди,  
Айрилиқ тўкилур, фироқ тўкилур.  
Умр - дарё дерлар, тинимсиз оқар,  
Гар тинса, устига қирғоқ тўкилур.  
Ё, Раббим, бир яшил япроқингман мен,  
Тўкилсам, устимга тупроқ тўкилур.

## ҚАЙГА КЕТДИНГ БАҲОДИР

*Дўстим Баҳодир Содиқов хотирасига*

### I

Ишонмадим, ишончларим учиб кетди ҳавога,  
Кўз ёш билан қадам қўйдим сен туғилган маъвога.  
Боғлаб қўйдинг бир умрга, дўстим, ғамгин навога,  
Баҳодиржон, жон Баҳодир, қайга кетдинг, Баҳодир?  
Бу дунёдан борса келмас жойга кетдинг, Баҳодир!

Ёлгон бўлса, сочин ёзиб қизлар йиғлайди нега,  
Хоразмга бориб қайтган излар йиғлайди нега.  
Бўғзимга тиқилиб сўзлар йиғлайди нега,  
Баҳодиржон, жон Баҳодир, қайга кетдинг Баҳодир?  
Бу дунёдан борса келмас жойга кетдинг, Баҳодир!

Ахир, ўзинг ҳаёт эдинг, ҳаёт ичиндан кетдинг,  
Қарамадинг, кўз очмадинг, фарёд ичиндан кетдинг.  
Болалагинг бешиги - Қиёт ичиндан кетдинг,  
Баҳодиржон, жон Баҳодир, қайга кетдинг, Баҳодир?  
Бу дунёдан борса келмас жойга кетдинг, Баҳодир!

Куйди бағрим, куйди юрак, нолам куйди, Баҳодир,  
Дўстлар куйди, сўзлар куйди, олам куйди, Баҳодир.  
Орзу куйди, ҳавас куйди, онанг куйди, Баҳодир.  
Баҳодиржон, жон Баҳодир, қайга кетдинг, Баҳодир?  
Бу дунёдан борса келмас жойга кетдинг, Баҳодир!

Қабринг узра, тик қаддини, букди бу кун Хоразм,  
Армонларин кўзидан, тўқди бу кун Хоразм.  
Онаизор кўз ёшига чўқди бу кун Хоразм,  
Баҳодиржон, жон Баҳодир, қайга кетдинг, Баҳодир?  
Бу дунёдан борса келмас жойга кетдинг, Баҳодир!

## II

### ДЕРАЗА

Дарду ҳасратимга бу олам тордир,  
Шаҳарни кезаман телба - девона.  
Ҳасратла юрагим меҳрга зордир,  
Энди шодлик менга бегона.

Трамвай чинқириб тўхтар бекатда,  
Тушаман кўз ёшу ғамни етаклаб,  
"Йўқ" сўзи қийналар оғир бир дардда,  
"Бор" сўзин тополмай қийналади қалб.

Қадамлар имиллар дераза сари,  
Чақирмоққа тош излаб чўзилар қўлим.  
"Олимлар уйи"нинг деразалари  
Менинг бу ҳолимга термулади жим.

Кўзимдан армонлар тирқираб оқар,  
Худо, ҳеч кимсани солма бу куйга.  
Қадрдон дераза дўстимсиз боқар,  
"Бор" сўзин тополмай қайтаман уйга.

## III

Соҳиба, йиғламанг, Соҳиба синглим,  
Баҳодир тирикдир, Малика тирик.  
Тасалли берсам - да йиғлайди дилим,  
Орзумиз дарёсида бузилди кўприк.

Шарқ эдик, Ғарб эдик, Жануб, Шимол биз,  
Борардик тонглардан қуёшга қараб.

Тун аро сайрда Бахту иқбол биз  
Оймома биз билан юрди соч тараб.

Соҳиба, йиғламанг, Соҳиба синглим,  
Қуёш бор, ой бор, тирикдир улар.  
Тасалли берсам-да юрак минг тилим,  
Кўз ёшим Баҳодир, Малика бўлар.

Соҳиба, йиғламанг, Соҳиба синглим,  
Шафқатни билмади, шафқатсиз ўлим.

#### IV

Бизлар кузни шундай кузатдик,  
Армон бўлиб тўкилди япроқ.  
Икки дўстни шундай узатдик,  
Иккисин ҳам устида тупроқ.

Йигирма бир баҳори ёниб,  
Икковин ҳам ҳамон излайди.  
Хотиралар ҳар тонг уйғониб,  
Хотиралар ҳар тонг бўзлайди.

Бизлар кузни шундай кузатдик,  
Икки дўстим устида тупроқ.  
Бўлса ҳамки, дарахт қадди тик,  
Армон бўлиб тўкилди япроқ.

Бизлар кузни шундай кузатдик...

V

Сукунатнинг қошида жим,  
Самога кўз тикамиз.  
Кўк қаърида кўзимиздек,  
Жимирлайди юлдузлар.

Кўзимиздан армонлару  
Соғинчларни тўкамиз.  
Қалбимизда қийналиб,  
Қимирлайди шу сўзлар:

"Баҳодир йўқ, Малика йўқ,  
Қолдик энди иккимиз.  
Бу дунёни ташлаб кетди,  
Шердек йигит, гулдек қиз".

...

Тун бўйи негадир уйқум келмади,  
Тун бўйи шивирлаб тинмади ёмғир.  
Ёмғирга қўшилиб йиғлай олмадим,  
Ёмғирга қўшилиб йиғламоқ оғир.

Тун бўйи шивирлаб тинмади ёмғир,  
Мен - да йиғларман, кўз ёшим қани?  
Мен ухлай олмадим тун бўйи, ахир,  
Менинг тонгим қани, Қуёшим қани?

**НОЗИМ ҲИКМАТ**

Адашдилар турмага ташлаб,  
Ёлғизликда бўлсин деб адо.  
Менинг учун кўзини ёшлаб,  
Умид, узган дўстлар, Алvido!

Адашдилар турмага ташлаб,  
Ўша совуқ, ўша зах хона.  
Умид - менинг содиқ ҳамроҳим,  
Кураш - менинг дўстим ягона.

Адашдилар турмага ташлаб,  
Адашади ҳар сафар ғаним.  
Турмаларда яшарман эркин,  
Турмалардир менинг Ватаним!

Зулмат унда ҳокимдир фақат,  
Ёритмоқ-чун юракни ёқдим.  
Турмаларда қамалмадим мен,  
Турмаларда қамалди вақтим.

\* \* \*

Устоз Ҳамид Олимжонга

Суюнган одамдай жилмаяр қуёш,  
Кўксимни силайди баҳор нафаси.  
Ўрикларим яна гуллабди қийғос,  
Гуллаган дарахтга келар ҳавасим.

Она халқим ўхшар ўша дарахтга,  
Гуллар билан безар умр йўлини.  
Аччиқ шабадалар бизнинг бахтга,  
Тўкиб юбормасин ўрик гулини.

. . .

Поезд чинқириб ўтар  
Қаро тунни иккига бўлиб.  
Бу поездда бир одам кетар,  
Зулумотга ғамгин термулиб.

Уни оғир дардлари билан,  
Қайга элтар бу темир излар,  
Бошқаларга жилмайиб боқса,  
Титраб қарар унга юлдузлар.

Толе унга боқмади кулиб,  
Яшамайди у билан. Етар.  
Қаро тунни иккига бўлиб,  
Поезд чинқириб ўтар.

## ПАХТАКОР СИНГИЛЛАРИМГА

Уйғонасиз қуёшдан олдин.  
Уйғонади сиз билан эпкин.  
Елкангизга қуёшни олиб,  
Йўл оласиз далага секин.

Бу сизга одатдир қадим-қадимдан.  
Офтобда қизийди, офтобдай бадан.  
Бу сизга одатдир қадим-қадимдан,  
Кун бўйи Қуёш ҳам тушмас елкадан.

## СЕНИ ИЗЛАБ...

Сени излар тонгга қадар тун,  
Излар сени юдузлар беун  
Ва тўшалган тонгларни босиб,  
Чиқиб келар сени излаб Кун.

Қаердасан, қачон келасан,  
Ҳеч бир киши топмайди дарак.  
Буни фақат ўзинг биласан,  
Сени сўраб қўймайди юрак.

### СОҒИНЧ

Бу жойларда элим, бозорим бордур,  
Не-не зотлар кўз юмган мазорим бордур,  
Ҳеч кимга айтмаган бир зорим бордур,  
Ўн етти ёшимда йўқотган гулим.

Ёшим ҳам ўттиздан қирқ томон борди,  
Бошим ҳам кўп кўрди ёмғирни қорни,  
Лек қайта кўрмадим сендек баҳорни,  
Ўн етти ёшимда йўқотган гулим.


Ўғлим учта менинг, қизим биттадур,  
Лек сенга айтмаган сўзим биттадур,  
Сени дея юрагим ҳануз нимтадур,  
Ўн етти ёшимда йўқотган гулим.

## ТИЛАК

Бундай гўзалликни бўларми тошиб,  
Гар билсанг айтақол, бор бўлса сири.  
Ортингдан боладай борарман чопиб,  
Бунчалар хушбўйсан, баҳор ёмғири.

Бахтиёр онадек шивирлар толлар,  
Қизлар кулгусидир ўрик гуллари.  
Қандай бахт келтирмиш бу кун шамоллар,  
Фақат бахтдан иборатми умр йўллари?

Баҳор ҳам меҳмондир жумла- жаҳонга,  
Қувониб кўз ёш тўкар ўз гўшасига.  
Шундай бахт тиларман ҳар бир инсонга,  
Ҳар ким кулиб қайтсин ўз кулбасига.



\*\*\*

Гулим, сенга айтар сўзим бордур,  
 Менинг ҳам сарғайган кузим бордур,  
 Менинг ҳам армонимдур яшил япроқлар,  
 Мени ҳам чорлар эди йироқ - йироқлар.  
 Мени ҳам чорлар эди йироқ - йироқлар,  
 Мен ҳам учмоқда хўп шайланган эдим,  
 Мени ҳам чорлар эди йироқ - йироқлар.  
 Афсус оёғимдан бойланган эдим.  
 Мени ҳам чорлар эди йироқ - йироқлар.  
 Оппоқ нурлар тушалган йўлим бор эди,  
 Мени ҳам қийнар тоҳо оғир сўроқлар.  
 Мендан бошқа ҳамма бахтиёр эди.  
 Қарайман, кўзларим оҳимга тушар,  
 Армонлар сарғайган боғимга тушар.  
 Боғимда қушлар йўқ, мезонлар учар,  
 Юрак каби тўкилган хазонлар учар,  
 Кунларим бол эмас, шароб тутарди,  
 Ўйлардим, умрим энди шундоқ ўтади.  
 Сендан кутмагандим ҳеч қачон буни,  
 Сен менинг бахтим дея, қувондим ахир.  
 Мен жуда хуш кўрардим оғир уйқуни,  
 Сенинг нафасингда уйғондим, ахир.  
 Сенинг нафасингни хуш кўрдим, тушун,  
 Сенсиз юрагимни хуш кўрдим, тушун.

## ҚАЙДАСАН (Қўшиқ)

Чаманимда бир гул йўқ,  
Бошқа гулга кўнгил йўқ,  
Ул сочлари сумбул йўқ,  
Қора сочим, қайдасан?  
Қалдирғочим, қайдасан?

Осмонимда юлдуз йўқ,  
Тонглар отар, кундуз йўқ,  
Ул паридан бир сўз йўқ,  
Қора сочим, қайдасан?  
Қалдирғочим, қайдасан?

Баҳоримсан, боримсан,  
Юракдаги зоримсан,  
Бошимдаги қоримсан,  
Қора сочим, қайдасан?  
Қалдирғочим, қайдасан?

## ОНАЖОН

(Кўшиқ)

Расулуллоҳ айтмиш, онажон,  
Жаннат сизнинг пойингиздадур.  
Узоқларга кетсам мен қачон,  
Кўнглим менинг доим сиздадур.

Гоҳо ёниб қўшиқлар куйлаб,  
Хаёлимда гулласа баҳор,  
Гоҳ қувониб, гоҳ мени ўйлаб,  
Ўтказасиз тунларни бедор.

Болам дея, мени ардоқлаб,  
Тил бердингиз сўйлаётирман.  
Оқ сут ила меҳр бердингиз,  
Шу меҳр-ла куйлаётирман.

Сизни дея ёниб куйлайман,  
Сизга дейман тожу тахтим ҳам.  
Онагинам, сизга тилайман,  
Отам кўрмай кетган бахтни ҳам.

Кўшиқларим ичида танҳо,  
Улкан қўшиқ, она, ўзингиз.  
Уйга қайтсам тунлари гоҳо,  
Йўлимдадир икки кўзингиз.

Сизсиз қўшиқ, санъат не менга,  
Кўнглим менинг доим сиздадур.  
Сизсиз дунё - жаннат не менга,  
Жаннат сизнинг пойингиздадур.

**ОНАМНИНГ ОВОЗИ ЙЎҚ**

Қишлоқ тунлари сокин,  
Уйқу келмайди кўзга.  
Осмон шунчалар яқин,  
Қўлим етар юлдузга.  
Сизни соғиниб келдим,  
Йўлим етмади сизга.  
Куйлай десам қувониб,  
Нетай қалбим сози йўқ.  
Ҳамма нарса бор фақат,  
Онамнинг овози йўқ.

Оғир ўйларга ботдим,  
Сиз кетган йўлга қараб,  
Кетди-ку хотиралар,  
Хаёлимни ўғирлаб,  
Мана тонг ҳам отмоқда  
Қушлар Сайрар чуғурлаб.  
Куйлай десам қувониб,  
Нетай қалбим сози йўқ.  
Ҳамма нарса бор фақат,  
Онамнинг овози йўқ.

Сиз туфайли онажон,  
Элда ҳурмат, шон олдим.  
Ҳаётда инсон деган  
Бир олий унвон олдим.  
Сизни соғиниб йўлда,  
Самарқанддан нон олдим.  
Куйлай десам қувониб,  
Нетай қалбим сози йўқ.



— "Болам, келдингми?" — деган,  
Онамнинг овози йўқ.

Кўнглимни кўтаргувчи  
Оғаларим бор бунда,  
Ота ўрнида қолган,  
Тоғаларим бор бунда.  
Ҳаммага кенг бу дунё  
Нечун менга тор бунда?  
Куйлай десам қувониб,  
Нетай қалбим сози йўқ.  
Ҳамма нарса бор фақат,  
Онамнинг овози йўқ.

Бу бевафо дунёнинг,  
Кеча - кундузин кўрдим,  
Сингилларим юзида  
Онамнинг юзин кўрдим.  
Юрагимга боқдим,  
Ҳеч ўчмас изин кўрдим.  
Куйлай десам қувониб,  
Нетай қалбим сози йўқ.  
Ҳамма нарса бор фақат,  
Онамнинг овози йўқ.

Бир-биридан ажойиб,  
Тўйлар бўлсин бу элда,  
Кимки юраги тоза,  
Ўйнаб кулсин бу элда.  
Фақатгина бир армон  
Сира ўчмагай дилдан.

Куйлай десам қувониб,  
 Нетай қалбим сози йўқ.  
 Ҳамма нарсa бор фақат,  
 Онаминг овози йўқ.

### ОНАМ ХОТИРАСИГА

Эҳ, алам дилимга жойландингми сен?  
 Узилмас риштадек бойландингми сен?  
 Бунча азиз бўлди бу тупроқ менга?  
 Онажон — тупроққа айландингми, сен?!

**ШАР***Укам Қодирга*

Соғинаман, шеър ёзаман,  
Лекин шеърим битмайди.  
Отам, онам, укаларим  
Кўз ўнгимдан кетмайди.

Мана улар, ўтиришар,  
Ҳаммалари жамулжам.  
Улар яхши билишар,  
Улар учун кимдир кам.

Мана улар, ўтиришар,  
Улар учун кимдир кам.  
"Акам нега келмайди?", деб,  
Ўйлар энг кичик укам.

Ука, мени бу томон  
Орзу етаклаб келди.  
Шодлик гоҳи юзим силаб,  
Ҳамлар калтаклаб келди.

Чидаяпман барига,  
Гоҳо ғамгин куйлайман.  
Узоқ бўлсам-да уйдан,  
Ука, сени ўйлайман.


Мана, эртага байрам,  
Тонг отишин кутасан.  
Эрта сен намоёишда,  
Шар кўтариб ўтасан.

Баланд кўтар қувончингни,  
Ука, бўлгин эҳтиёт.  
Эҳтиётсиз неки бўлса,  
Нобуд қилар бу ҳаёт.

Қўлингдаги қизил шар,  
Сенга ноёб хазина.  
Катталар учун эса,  
Шунчаки бир "резина".

Ер шари ҳам шарингдай,  
Бир пайтлар енгил бўлган.  
Энди эса, бу шарга  
Қанча армон кўмилган.

Майли, бўлсин байрам, тўй,  
Лекин уруш бўлмасин.  
Оналарнинг армони,  
Тупроққа кўмилмасин.



## **ВАТАН**

*Чингиз Айтматовга*

Кўкка ракеталар чар ботма-бот,  
Хайратга тушамиз бундан доим биз.  
Қанчалар юксакка қоқмайлик қанот,  
Она ер, барибир сенга қайтамиз!

Кўкка ракеталар учар ботма-бот,  
Уни экранларда кўрармиз фақат.  
Мени кўп қийнайди тирик хотирот,  
Мени кўп қийнайди ул тахир қисмат.

Хотирот кўксимга тиг каби ботар,  
Хотирот - хаёлда энг оғир йўллар.  
Ватан тупроғида қоришиб ётар  
Ватан боғларидан узилган гуллар.

Ватан қисмати деб кўксини тутди,  
Ватани қолса ҳам нурсиз, чироқсиз.  
Одамларнинг умри бир қўлсиз ўтди,  
Одамларнинг умри ўтар оёқсиз.

Шундоқ ҳам заминда оқаётир қон,  
Шундоқ ҳам умримиз бефарах, тахир.  
Тупроқда ётибди, эҳ, қанча армон,  
Улар ҳам гул эди, гул эди, ахир!

Замин гулсиз қолса қанчалар даҳшат,  
Чироқ ўчирганни қанча қойимиз.  
Чироқлар ўчмасин оламда фақат,  
Она Ер Ватанимиз - яшаш жойимиз!

## ТАГОРНИНГ СЎЗИ

Армон тутамасдан тугади кундуз,  
Энди мен дардимни тунга айтурман.  
Армондай ардоқли айтилмаган сўз,  
Энди у сўзни мен кимга айтурман.

Армон тутамасдан тугади кундуз,  
Энди мен дардимни тунга айтурман.  
Некбин кунларимдан қолдимикин из,  
Некбин кунларимга такрор қайтурман.

Юлдузни севардим, қизни севгандай,  
Севардим майсани, ҳар бир гиёҳни,  
Мен қандай яшайман, яшайман қандай,  
Қандай йўқотурман кўздан сиёҳни?

У кун орзу билан тик эди қаддим,  
Менинг тик қаддимни букди ғанимлар.  
Гўзал шеър битмоққа сиёҳ ахтардим,  
Сиёҳни кўзимга тўқди ғанимлар.

Кўр бўлиб қолмадим, қаддим ҳам тикдир,  
Тунлар юлдузга ҳам ёниб боқурман.  
Тунларим тонгимга кичик кўприқдир,  
Кундузи дарёдай тўлиб оқурман.

## ҚАДИМГИ ҚҰШИҚЛАР

(Туркум)

### Биринчи қўшиқ

Йўл юрдинг-ай, йўл юрдинг,  
Йўл юрсанг ҳам, мўл юрдинг.  
Гулим, йўлинг ўзга экан,  
Нечун менга гул бердинг?

Энди ҳавас қилмоққа имконим йўқдур менинг  
Имконим армон бўлди, имконим ўқдир менинг.  
Суйдирган ҳам сен бўлдинг, куйдирган ҳам сен,  
Гулим, чўта айлаңдинг, имконим чўтдир менинг.

Энди кун ҳам қон бўлиб юрагимга ботади,  
Билмасман юрагимда қачонгача ётади.  
Умид йўли узундир, соғинчларим саргардон,  
Юрагимда қуёшни энди ким уйрогади?

Йўл юрдинг-ай, йўл юрдинг,  
Йўл юрсанг ҳам, мўл юрдинг.  
Гулим, йўлинг ўзга экан,  
Нечун менга гул бердинг?

### Иккинчи қўшиқ

Гуллар, йиғланг бош эгиб,  
Йўллар, йиғланг энтикиб.  
Осмондаги юлдузлар,  
Йиғланг менга кўз тикиб  
Мен ёримдан айрилдим,  
Хуморимдан айрилдим.

Самодаги юлдузлар,  
Майли, энди ўчингиз.  
Тоғларда қотган тошлар,  
Жойингиздан кўчингиз.  
Мен ёримдан айрилдим,  
Нигоримдан айрилдим.

Шул эдими кутганим,  
Ахир, сендан, Гулсанам?!  
Рост бўлди-я кеттанинг,  
Наҳот, қайтиб келмасанг?!  
Мен ёримдан айрилдим,  
Дилдоримдан айрилдим.

Бор эди-ку дунёда  
Менинг орзу-умидим.  
Тупроққамас мен бу кун  
Кўз ёшимга қўмилдим.  
Мен ёримдан айрилдим,  
Дуторимдан айрилдим.

Сенсиз энди дунёда,  
Мен қон ютиб яшайман.  
Йўлларингга кўз тикиб,  
Сени кутиб яшайман.  
Мен ёримдан айрилдим,  
Баҳоримдан айрилдим.

## ГУЛБУЛОҚ

### Учинчи кўшиқ

Дупур-дупур отлар келди,  
Билмам қандай зотлар келди.  
Ғаним келди, ётлар келди,  
Кўзим қумга тўлди, нетай?  
Ҳолим шундоқ бўлди, нетай?!

У кун кўкка боқар эдим,  
Юлдуз бўлиб оқар эдим.  
Қуёшим деб чиқар эдим,  
Кўзим қумга тўлди, нетай?  
Ҳолим шундоқ бўлди, нетай?!

## МИРТЕМИРНИНГ ЙЎЛИ

Бу йўл менинг йўлимдир,  
Сен мунда юролмассан.  
Мабодо юрар бўлсанг,  
Кўзингга қараб юргин.

Бу йўлдан мен юрганда,  
Не-не жарликдан ўтдим.  
Жарликка тушиб кетма,  
Мени қоралаб юргин.

## ТУН, ЁМФИРДАН СЎНГ

Осмон очилиб кетди,  
Очилгандек қучоғинг.  
Гулларга тўлди, мана,  
Менинг самовий боғим.

Кирай десам бу боққа,  
Йўлни беркитиб кетдинг.  
Айт, нечун умид гулин  
Кўкларга экиб кетдинг?

...

Хиёнатнинг қанақа ранги,  
Хиёнатнинг қўлми дўстлари!  
Дилни қийнар қадаҳ жаранги,  
Ва дўстларнинг табрик сўзлари.

Ўлтирибсан давра тўрида,  
Оқ либосга бурканиб, мана.  
Мен бу оқшом ойнинг нуридан  
Излайдурман ўзимга пана.

Тополмайман лекин, ҳеч паноҳ  
Япроқлар ҳам қўймас шивирлаб.  
Гўё сенмас, мен қилдим гуноҳ,  
Хотиралар кетмоқда нураб.

Сен эмасми бахт қўшиғин,  
Бухорода айтган ўша қиз?  
Мен бу оқшом хотирот чўғин,  
Титкиладим сенингсиз, ёлғиз.

## КЎЗЛАРИНГ

Булоқ булоқ эмас - менинг кўз ёшим,  
Юлдуз юлдуз эмас - сенинг кўзларинг.  
Мени қийнаб келар етмас бардошим,  
"Кўнглингиз ўзгаларда, "деган сўзларинг.

Булоқ булоқ эмас - менинг кўз ёшим,  
Юлдуз юлдуз эмас - сенинг кўзларинг.  
Мени қийнаб келар, етмас бардошим,  
"Сиз энди бахтлими?", - деган сўзларинг.

Булоқ булоқ эмас - менинг кўз ёшим,  
Юлдуз юлдуз эмас - сенинг кўзларинг.  
Мени қийнаб келар, етмас бардошим,  
"Ҳеч кимга айтманг буни", деган сўзларинг.

Қанчалар рост эрур ушбу сўзларинг,  
Мен вариб ишониб, суйиб юрибман.  
Юлдуз юлдуз эмас - сенинг кўзларинг,  
Тунлари нурида куйиб юрибман.

## БАҲОР

Биз учун келмабди асли бу баҳор,  
Биздаги умидлар - қуриган куртак.  
Умидлар дилларда эриб кетган қор,  
Умидлар биз учун армонли эртак.

Қанчалар тез топдик бир-биримизни,  
Қувонч дарёсида бўлган эдик фарқ.  
Тунларга оқиздик ўз сиримизни,  
Хаёлда умидлар гуллаганда барқ.

Шу умид гуллари, наҳотки, сўлди,  
Сўлдирган ўзингсан, ўзингдан кўргин.  
Менинг эса, топганим бахтсизлик бўлди,  
Тилагим - энди сен бахтиёр бўлгин.

Сени деб юракни кўп қийнаб қўйдим,  
Сен менинг суйганим, суйган боғимсан.  
Мен энди бахтга эмас, армонга тўйдим.  
Жайҳун бўйларида келган оҳумсан.

Кун келар, кетармиз турли томонга,  
Ёдингга олурсан Ҳисор тоғини.  
Мен эса, куйларман чўкиб армонга,  
Жайҳун бўйларига кетган оҳуни.

Биз учун келмабди асли бу баҳор,  
Ёмғир ҳам ёғаётир юракни эзиб.  
Тақдирнинг шундайин ришталари бор,  
Яшарсан кўз ёшдан мунчоқлар тизиб.

Биз учун келмабди асли бу баҳор...

**ПАҲЛАВОН МАҲМУД**

Шодликни кам кўрган дунёда шоир  
Ётибди жимгина нақш ичинда.  
Бир армон сабабли ёзилди бу шеър,  
Ётибди бир дунё олқиш ичинда.

Шоирга аслида олқиш не керак,  
Олқишлик бўлмаса замони унинг?  
Бу олтин сағана - нақш не керак?  
Шундоқ ҳам нақшли армони унинг.

\*\*\*

*Шоир Маъруф Жалил хотирасига*

Умр ҳам Оллоҳдан гўзал бир тухфа,  
Кимдир юзга кирар, кимдир элликка.  
Унга пешвоз чиққай жаннат гуллари,  
Маъруф Жалил кетди абадийликка.

Мангуликка туташ у юрган йўллар,  
Йўллар салом айтсин Маъруф Жалилга.  
Унинг шеърларидан гул иси келар,  
Гуллар салом айтсин Маъруф Жалилга.

## ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА

Шоир Файрат Худойназаров хотирасига

### I

Юрак қўйгин, энди на ҳожат,  
Сен ҳам қувон, қўшилгин, кулгин,  
Билурман, оғирдур бундай кунда дард,  
Юрагим, энди сен эҳтиёт бўлгин.

Умид қил, бўлсин у яшил арчадек,  
Умид қил, қувониб қўшиқ айтарсан.  
Нечун қувонмайсан ахир барчадек,  
Нечун Фарҳонадан маънос қайтасан.

Бир дўстинг кетдими, оти ким эди?  
Ёки кўрдингми сен бирор ноҳуш туш?  
Дўстларим нега жим, нега жим, энди  
Нечун даврамизда унинг ўрни бўш?

У қўшиқ айтарди "Наргис, Наргис"<sup>1</sup>, деб  
Ул айтди: "Ҳаётининг аввалия, бошин".  
У қўшиқ айтарди, "Овоз бергин", деб,  
Нечун эшитмаймиз энди овозин.

У айтди: "Азобимга тезроқ чора қил",  
Бизлар азобига топдикми чора?  
Шу қўшиқни айтар эди, куйларди нуқул,  
Шу қўшиқда дардини айтди бечора.

---

<sup>1</sup> Шерали Жўраев ижро этган қўшиқ.



Юрагим, йиғлама, кетди ул абад...  
Сен ҳам қувон, ахир, барчадек.  
Билурман, оғирдир бундай кунда дард,  
Умид қил, умидинг бўлсин арчадек.

## II

Тонг отиши - умид,  
Кун ботиши - оғир.  
Кўзимнинг булутли осмонларидан  
Эзилиб ёғади ёмғир.

Дўстим, ёмғирга айландинг нечун?..

## БОЛАЛИК

*Синглим Тошбибига*

Кеча бешиқда эдинг,  
Бугун бешик қўлингда.  
Сингилгинам, қолди энди  
Қўғирчоқлар дилингда.

Олдин мени, кейин сени,  
Ташлаб кетди болалик.  
Бахлисан, сингилгинам,  
Ўзинг бўлдинг Болалик!

## ОНАМ ҚЎШИҒИ

Отанг жангга кетди-ю, қора сочим оқ бўлди.  
Очликдан машоқ тердик, тоқатлар ҳам тоқ бўлди.  
Чечакдан икки отанг тақдири япроқ бўлди,  
Бу кунларга етгунча не кунларни кўрмадик.

Йиғлай-йиғлай шўр бўлди, болам, еган ошимиз,  
Тинмасди қўлда кетмон ҳамда кўзда ёшимиз.  
Қайғудан кўйлак кийди, у дамда бардошимиз.  
Бу кунларга етгунча не кунларни кўрмадик.

Кўзларимиз тўрт бўлиб, тўрт йил отангни кутдик,  
Қувонч нима, кулгу не, болам, тўрт йил унутдик.  
Келар эди қишлоққа, қора хатлар булутдек,  
Бу кунларга етгунча не кунларни кўрмадик.

Ҳар куни битта уйдан фарёд чиқар, "болам", деб,  
Жангчи қайтса она йўқ, фарзанд йиғлар, "онам", деб.  
Неча-неча мард кетди, тинч бўлсин шу олам деб,  
Бу кунларга етгунча не кунларни кўрмадик.

Ҳақиқат дарёсида ёлғон оқмасин, болам,  
Одам ўзи яратиб, ўзи ёқмасин, болам.  
Одамзод мажруҳ бўлиб, нишон тақмасин, болам,  
Бу кунларга етгунча не кунларни кўрмадик.



## ҚАЛДИРҒОЧ

Қанотингни қайирдилар, Қалдирғоч,  
Ёргинангдан айирдилар, Қалдирғоч.  
Қисматингга йиғлаб, сиқтаб одамлар,  
Уй туридан жой бердилар, Қалдирғоч.

Кўклам пайти, кўклам каби келасан,  
Тинчимайсан, шабададек еласан.  
Бу жойлардан бир замонлар қарғалар,  
Қағиллашиб дон терганин биласан.

У пайтлари кунлар совуқ, қор эди,  
Одамлар ҳам парча нонга зор эди.  
Келишингни кўп кутдик биз, Қалдирғоч,  
Келишингдан умидимиз бор эди.

Болаларинг боқавергин, Қалдирғоч,  
Шифтларга гул тақавергин, Қалдирғоч,  
Қарғалардан энди сира кўркмайман,  
Қанотингни қоқавергин, Қалдирғоч!

Сени кеч англадим, кечиргин мени,  
Севиб, севилганим билмабман ўзим.  
У кунлар ўт ичра истадим нени,  
"Кечикдим", наҳотки, бу сўнгги сўзим?

Боғимдан қуш каби учдинг-да кетдинг,  
Изингдан ҳеч қачон ета олмасман.  
Билмадим, қайси бир манзилга етдинг,  
Мен эса боғлиқман, кета олмасман.

Сенсиз ғариб кўринар боғлар,  
Хотиротда сўлмас гулга ўхшайсан.  
Исмингни ёд этиб қуйлаган чоғлар,  
Менсиз узоқларда бахтли яшайсан.

Сени ҳам қийнайди гоҳо хотирот,  
Ичингда бир кўшиқ айта бошлайсан.  
Ҳеч кимга сездирмай, сен чекиб фарёд,  
Менсиз узоқларда бахтли яшайсан.

...

Бу кун юксак тоғларда лолалар очилибди,  
Гўёки кенг осмонга юлдузлар сочилибди.  
Адирларда майсалар ям-яшил соч бўлибди,  
Эй, сен менинг баҳорим, қайларда қолдинг?

Меҳрга зор одамга асли ширин сўз - баҳор,  
Ота учун оламда қолаётган из — баҳор.  
Ошиқларга тун - баҳор, кексага кундуз - баҳор,  
Эй, сен менинг баҳорим, қайларда қолдинг?

Куйлаётган қалбимнинг тори ногоҳ узилди,  
Узилган симлар узра қарға-зоғлар тизилди.  
Мен севган ул парининг юзи ҳамон қизилдир,  
Эй, сен менинг баҳорим, қайларда қолдинг?

Ўттизга кирмай бу кун умримнинг кузин кўрдим,  
Сочим узра қолдирган армонлар изин кўрдим.  
Дўстингман деб душман бўлган иблислар юзин  
кўрдим,  
Эй, сен менинг баҳорим, қайларда қолдинг?

Икки дўст кўзин юмди айни баҳор ёшида,  
Сурати ҳамон қалқир дўстларим кўз ёшида.  
Афсус, гуллар ўсмайди ул хотирот тошида,  
Эй, сен менинг баҳорим, қайларда қолдинг?

...

### *Шўй Назар Шўкур хотирасига*

Фақат вақт ростини ёзар,  
Назар ога! Қанчалар ҳақсан.  
Ҳақиқат қуёшдир - яшириб бўлмас,  
Куйдиради бағринга боссанг.

Фақат вақт тўғриси ёзар,  
Замин - дафтар, одамзод - қалам.  
Ёзаётиб кетдинг дафъатан,  
Наҳот, энди қилмайди алам?..

### **КЕЧИРИМЛАР**

Суратингни кўзимга жойлаб,  
Кетар бўлдим сендан йироққа,  
Учрашмасмиз йиллаб ва ойлаб,  
Қайтмагандек жилғалар тоққа.

Кечиримлар сўрайсан такрор,  
Севги ҳақи қасамлар ичиб.  
Қачонгача яшайман, дилдор,  
Кечиримлар ичида кечиби?!

## **ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИНИНГ СЎНГГИ ҚЎШИҒИ**

Она Жайхун! Она Жайхун!  
Сенда оқар аламли ёшим.  
Ёғийлардан ололмадим хун,  
Шу сабабдан эгилди бошим.

Она Жайхун! Она Жайхун!  
Сенда қора куним оқар.  
Халқим кун кун эмасдир, тун,  
Ёғийларга хуним оқар.

Ёғий келар, ёғий келар,  
Қилдек қийраб изимдан.  
Илозсизлик мени қийнар,  
Сўнгги ўқлар учар кўзимдан.

Она Жайхун! Она Жайхун!  
Сенга видо айтаман.  
Умидвор бўл, келар бир кун,  
Қасос учун қайтаман.

## ЧҰЛИ ИРОҚ

Елғиз бұлиб саҳрода кезсанг,  
 Ва кўрмоқ истасанг яна йироқни.  
 Тор кулбангда нохушлик сезсанг,  
 Дўстим, тингла Чўли Ироқни.

Кундузни кузатиб, дуч келсанг шомга,  
 Юлдузлар қўнганда кўзингга ёниб.  
 Кундуз армонини тўкар оқшомга,  
 Дўстинам, тинглагил уни уйғониб.

Туннинг умри битиб, тонг ҳам отади,  
 Тонг отар юракда қолдириб оқ из.  
 Олдинда кўп узун йўллар ётадир,  
 Унда юриб бўлмас Чўли Ироқсиз.



\*\*\*

Билмасман, бу юрак неларни истар,  
Кўзларимда эриб бораётир тун.  
Музлаган юракни ким ҳам иситар,  
Мен ташиб чарчадим хотирот юкин.

Хотирот юки, бу - ўтган куз фасли,  
Юрагингдан нусха - ўша атиргул.  
Хотирот юки, бу - хазонли, хасли,  
Иккимиз адашган ўша қисқа йўл.

Гулим, қайга шошдик ўша оқшом биз?  
Савол бериб шошдик, жавобда шошдик.  
Шошилган лаҳзага чўкаяпман тиз,  
Тўғри йўлда эдик, нечун адашдик?

Энди биз юрмасмиз у йўлдан зинҳор,  
Энди кўзимизда тунлар эрийди.  
Хотиротда маъсум кунларимиз бор,  
Энди кўзимизда кунлар эрийди.

...

Пахтаси йўқ рўзага ўхшаб кетаман гоҳо,  
Бўм-бўш қолган чанокдай тебранади бу юрак.  
Қани мени пахталарим - қайга кетди сўзларим?  
Мен уларни топиб олиб,  
Сизга айтишим керак.

Мен қандай шоир бўлдим,  
Элим дардин айтмасам -  
Айтар гапим бўлмаса.  
Мен қандай шоир бўлдим,  
Ёнаётган ўтин каби  
Элга нафим бўлмаса.

Рўза каби ўтин бўлиб,  
Ловиллаб ёнсам дейман,  
Ловиллаб ёнсанг дейман!  
Кул ичида чўғ бўлиб  
Бир кун уйғонсам дейман!  
Сен ҳам уйғонсанг дейман.



## **ҲАҚИМ ЙЎҚ**

Ухлашга ҳақим йўқ,  
Устоз Нозимнинг  
"Замин - бир бешиқдир" -  
Деган сўзларин ўқиб.

Унда, бу бешиқда улғайган болалар  
Нечун уни қилур безовта?

Ухлашга ҳақим йўқ,  
Дунёда болалар  
Нон - деб йиғласа,  
Ухлай олмасалар  
Қорни очлигидан.

Ухлашга ҳақим йўқ,  
Дунёда болалар  
Совуқда титраб  
Ухлай олмасалар  
Яланғочлигидан.

Ухлашга ҳақим йўқ,  
Фаластинлик шоир  
Мўин Бисису  
Ватаним деб,  
Халқим деб,  
Жон берса самода.

Сиз эса,  
Ватанини, халқини  
Сотган жаноблар,

Сиз эса,  
Тилосини, имлосини  
Сотган жаноблар,  
Бемалол ухлайверинг.  
Сизни ҳеч ким уйғотмасин,  
Сиз бемалол ухлайверинг.

Менинг сира ҳақим йўқ.

Ухлашга ҳақи йўқ,  
Замин - Ватанлигини,  
Ватан - Оналигини  
Англаган болаларнинг ҳам.



## ОНАМГА ХАТ

Сочингизда вақтлар ранги,  
Сочингизда вақтлар сарсон.  
Кўзингизда йилларнинг чанги,  
Кўзингизда соғинч, онажон.

Хат кутасиз, билурман мендан,  
Соғинч ёши маржон ва маржон.  
Дилада соғинч, умидлар билан  
Яшаяпман мен ҳам, онажон.

Яшаяпман ғамларга чўкиб,  
Йўқдир бу кун, дўстим, хазинам.  
Бир дўстимни тупроққа кўмиб,  
Яшаяпман, онажонгинам.

Кўр машшоқлар аччиқ дардини  
Тўкканидай қўлдаги созга.  
Юракдаги армонларимни  
Тўқдим, она, шу оқ қоғозга.

Қоғоз каби оқ эди бахтим,  
Қоғоз каби енгил эдим мен.  
Дардлар мени қоғоздай ёқди,  
Бу дунёга нечун келдим мен?!

Хаёлимдай севган малагим,  
Хаёлимдай гўзал, бокира.  
Орзуларим қабри - юрагим.  
Орзуларим - соқов хотира.

Нозим

---

Мен яшашдан бўлгандим тўйиб,  
Ўлим эди йўлим - ягона  
Хотиралар тўғида куйиб,  
Яшайпман умид-ла яна.

### ҲИЖРОН ДАРЁСИ

Сен кетдинг қирғоқда мени қолдириб,  
Сен кетдинг дарё ҳам ҳайқириб оқди.  
Сен кетдинг қирғоқда мени ёндириб,  
Ул қирғоқда сенга кимдир ўт ёқди.

Айрилиқ тунлари қийнайди мени,  
Менинг-да дардим ул, сенинг-да дардинг.  
Айрилиқ кунлари қийнайди сени,  
Сенинг-да дардинг ул, менинг-да дардим.

Айрилиқ ўртамизда улкан бир дарё,  
Ул қирғоқда сен борсан, бу қирғоқда мен тирик.  
Дарёда сув эмас, орзумиз оқар,  
"Айрилиқ - ўртамизда омонат кўприк"<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Нозим Ҳикматдан

?

? - ўттизинчи йиллар суврати,  
? - эллитинчи йиллар суврати,  
? - саксонинчи йиллар суврати...  
Энди Сиз айтинг,  
Яна ненинг сувратидир ул?

? - қуриган денгизнинг суврати,  
? - кўмилган изнинг суврати,  
? - теримчи қизнинг суврати...  
Энди Сиз айтинг,  
Яна ненинг сувратидир ул?

? - эзилган халқнинг суврати,  
? - топталган ҳақнинг суврати,  
? - алданган вақтнинг суврати...  
Энди Сиз айтинг,  
Яна ненинг сувратидир ул?

### СЎНГГИ ҚЎШИҚ


Наҳот, бизни бир-бировдан жудо қилди бу - ҳаёт,  
"Сизлар энди бегона", - деб нидо қилди бу - ҳаёт.  
Бор шодликни бойчечақдай адо қилди бу - ҳаёт,  
У кунларнинг ишончлари сенда эди, менда эди.

Фамим расми чизилади, у кунларни эсласам,  
Ёлғизлигим сезилади, у кунларни эсласам.  
Кўз ёшларим тизилади, у кунларни эсласам,  
У кунларнинг юпанчлари сенда эди, менда эди.

Сен бор пайтинг култинг каби нурли эди бу йўлим,  
Оппоқ ойдин тонглар каби гулли эди бу йўлим.  
Наҳот сенсиз умидларим, бутун бағрим минг тилим,  
У тонгларнинг қувончлари сенда эди, менда эди.

Юлдузимиз излаб тунлар тикилардик самога,  
Соғинганда соғинчларни тўқар эдик номага.  
Энди қандай тикиламиз юлдузга, ой момага,  
У тунларнинг сеҳрлари сенда эди, менда эди.

Наҳот бизни бир-бировдан жудо қилди бу ҳаёт,  
"Сизлар энди бегона", - деб нидо қилди бу ҳаёт.  
Бор шодликни бойчечақдай адо қилди бу ҳаёт,  
У кунларнинг ишончлари сенда эди, менда эди.



\*\*\*

Фалсафа ҳақида сўзлаймиз баъзан,  
Фалсафа деймиз-у, шеърлар битамиз.  
Тиканли майдонга тушсак дафатан,  
Тезгина гулзорга ўтиб кетамиз.

Билмаймиз, аслида тикан гулидан,  
Бол йиғар тинмайин арилар.  
Кўрмаймиз бемалол юришар,  
Гулзорда "тиканли парилар".

### **ХОТИРА**

Сен кимнидир алдаб яшайсан,  
Кўз ёш билан ювиб изингни.  
Йўлин топсанг ҳаммани алда,  
Алдамагин фақат қизингни.

Сен кимнидир алдаб яшайсан,  
Армонларга кўмиб йўлингни.  
Йўлин топсанг ҳаммани алда,  
Алдамагин фақат ўғлингни.

\*\*\*

У кетди бутунлай бошини олиб,  
Илтижонгни тош каби ортига ташлаб.  
Сен эса, тун бўйи тақдирдан нолиб,  
Деразага тикилдинг кўзингни ёшлаб.

Деразада эса, туннинг сурати,  
Осилиб турарди қоп-қора бўлиб.  
Эрталаб уйғондинг, туннинг ўрнида  
Тўймасдан боқарди Қуёшинг кулиб.

**КЕТАЯПМАН,  
ЙЎЛЛАРИМ ОЛИС...**

Кетаяпман, йўлларим олис,  
Кетаяпман, манзилим узоқ.  
Тополмассиз, кетурман беиз,  
Кўз ёшингиз бўлолмас тузоқ.

Толеимни тобутга солиб,  
Фамлар унга эгалик қилди.  
Бор шодликни қалбимдан олиб,  
Найзалари бағримни тилди.

Кетаяпман бир манзил томон,  
Кўзимда ёш, армоним дилда.  
Кечир мени, азиз онажон,  
Қолиб кетсам, ўша манзилда.

Кетаяпман, йўлларим олис...

...

Мен энди тушундим ўзимни ўзим,  
Бахтим деб қайларга беҳуда чопдим.  
Мен юрган йўлларда қолдимиз изим,  
Бахтимни изладим, бахтсизлик топдим.

Узр, сўрайман сиздан, қолган изларим,  
Узр, энди сиз томон сира қайтмасман.  
Сизларни қолдириб, кимни изладим,  
Мен уни ҳеч кимга, ҳеч ҳам айтмасман.

Бахтимни изладим, бахтсизлик топдим,  
Юрган йўлларимда қолдимиз изим.  
Бахтим деб бўзладим, беҳуда чопдим,  
Мен энди тушундим ўзимни ўзим.

Музга айланди энди кўздаги жолам,  
Яшайман бир умр қаҳратон қишда.  
Бахтсиз ўғлингизни кечиргин, онам,  
Бахтим деб чиққандим уйдан чиқишда.

Мен энди тушундим ўзимни ўзим...

## ИШОНЧ

Мен сўзга ишонаман

Х.Кортасар

Мен сўзга ишонаман!  
Бахтлиман шу ишонч билан.

Бахтсизлик курсин, дўстлар, кечиринг,  
Бир озгина ғамгин куйлаган бўлсам.  
Бахтсизлик курсин, дўстлар, кечиринг,  
Ўз бахтимни бир зум ўйлаган бўлсам.

Наҳотки, ўша қиз мени алдади,  
Ёлгон эди, наҳот, унинг сўзлари.  
Алдади,  
Юракка михлар қадади,  
Ҳамон юрагимда михнинг излари.

Бахтсизлик курсин, дўстлар, кечиринг,  
Эрмакка севмадим ўша қизни мен.  
Бахтсизлик курсин, "Бахтлиман" дея,  
Юрагимда асрабман ёлгон сўзни мен.

Мен сўзга ишонаман!  
(Кимгадир Сўзнинг ҳам нархи уч танга)  
Севгига хиёнат қилса агар ким,  
Хиёнат қилар у бир кун Ватанга!

Мен сўзга ишонаман!  
Онанинг "болам" деган сўзига,  
Боланинг "онам" деган сўзига  
Ишонганидек.

Мен сўзга ишонаман!  
Бахтлиман шу ишонч билан...

### ШЕЪРИЯТ

Айтолмасман, бўғзимни тирнар сўзлар,  
Ёзолмасдан қон йиғлайди бу бармоқ,  
Қуёш чиқса эриб кетади музлар,  
"Эмас осон бу майдон ичра турмоқ".

Тушунмасдан хўп қийнабман юракни,  
Оғир экан юрак билан югурмоқ,  
Оғир экан расмин чизмоқ тилакнинг,  
"Эмас осон бу майдон ичра турмоқ".



Йўқ, сен алдамадинг ҳеч кимни,  
Алдаш сенга бутунлай ётдир  
Бир ўт куйдурмоққа хаста дилимни,  
Ҳаёт бу аслида ўтли ҳаётдир.

Йўқ, сен алдамадинг ҳеч кимни,  
Пар тўшакдай тўшалиб ётмадинг.  
Ахир, сен эъзозладинг буюк севгини,  
Номусингни бировга сотмадинг.

Йўқ, сен алдамадинг ҳеч кимни,  
Лабинггидан ҳам ўпмаган ҳеч ким.  
Лекин кўплар алдади мени,  
Мен улардан бутунлай кечдим.

Йўқ, сен алдамадинг ҳеч кимни,  
Қанотинг бор эди, лекин учмадинг.  
Йўқ сен алдамадинг ҳеч кимни,  
Ул ифлос сувларни ичмадинг.

Йўқ, сен алдамадинг ҳеч кимни,  
Мен сенга ишондим, қаттиқ ишондим.  
Ахир, сен жуда кеч ухладинг,  
Мен эса, бунча эрта уйғондим.

\*\*\*


Хаёлимда ёришса тонглар,  
Хушбўй кунлар тушар эсимга.  
Йўлни кўмди чанглар, тўзонлар,  
Нетай, қалбим интилар сенга.

Кўзларимга беркитиб тунни,  
Лаҳзалар ҳам ўқ отар менга.  
Юрагимда умид учқуни,  
Нетай, қалбим интилар сенга.

Хазонлардай ҳазин хаёллар,  
Асир тушмиш енгил бир елга.  
Мени қийнар оғир саволлар,  
Нетай, қалбим интилар сенга.

Кетаяпсан, чизиклар тортиб,  
Қарамайсан сира изингга.  
Мен ортингда қолдим-ку, қотиб,  
Нетай, қалбим интилар сенга.

Тутаётир мендаги бардош,  
Тушун, ахир, сен ҳам сўзимга.  
Ҳар тонг ёниб чиққанда қуёш,  
Нетай, қалбим интилар сенга.



### **УСМОН НОСИР**

Шеърятни сен Оллоҳ деб билдинг,  
Шеърят деб қайларда топширдинг жонни.  
Гуноҳинг - қаттиқ севдинг она халқингни,  
Гуноҳинг - қаттиқ севдинг Ўзбекистонни.

Шеърятни сен Оллоҳ деб билдинг,  
Халқимнинг бахтидир ул шеърӣ бахтинг.  
Сенинг бу бахтингни кўролмадилар,  
Ёлғон бўлса, сўзласин Сибир дарахти.


Шеърятни сен Оллоҳ деб билдинг,  
Қон билан битибсан, сен ахир шеърни.  
Сен севган бўстонни зорлар эгаллаб,  
Сўнгги дам ҳам бермади бир парча ерни.

\*\*\*

Сарсон юрар ташқарида тун,  
Сукунатнинг бўйнидан қучиб.  
Хотиралар йўл каби узун,  
Ёлғизликдан кетаман чўчиб.

Машиналар ўтар ғизиллаб,  
Итлар ҳуриб қўяр дам-бадам.  
Болалигин қоларкан қўмсаб,  
Баъзан ёлғиз қолганда одам.

Сарсон юрар ташқарида тун...



...

*Суйса-суйсин дедингми?*

*Халқ қўшиғи*

Суйса-суйсин дедингми?  
Куйса-куйсин дедингми?  
Ғам-қайғуга бир умр,  
Тўйса-тўйсин дедингми?

Мен суйиб топдим нени?  
Мен куйиб топдим нени?  
Йўқотиб қўйдим сени,  
Йўқотиб қўйдинг мени...

### **УМР**

Тангрининг бу синов боғидан,  
Кимдир йиғлаб, ким кулиб утди.  
Қара ахир дарахт шохидан  
Сумбула ҳам тўкилиб кетди...

### ШАШМАҚОМ

Ўзбекистон халқ артисти Ўлмас Расулга

Бу қандайин садо, бу қандайин наво,  
Ўлмас Расул юрагин олдим қўлга?  
Бу қандайин наво, бу қандайин садо,  
Бухоро куй бўлиб чиқдим йўлга?  
Бу қандайин садо, бу қандайин наво,  
Бухоро айландиму Ўлмас Расулга?

...

Ойдин кеча. Боғда бир ўзим, ёлғиз.  
Шабада эсмоқда. Шабада - мусиқа.  
Дарахтлар - раққосалар. Осмонга қарайман.  
Осмон - денгиз, ой - чўмилаётган қиз.  
Ойдин кеча. Боғда бир ўзим, ёлғиз.



...

*Тарихчи олим Шоди Карим хотирасига*

Тўқсонинчи йиллар, ўтган асрда,  
Халқ у кун эрк истаб майдонга чиқди.  
Ҳақсизлик, адолат топталган ерда  
Халқнинг оху-фигони осмонга чиқди.

Тўқсонинчи йиллар, ўтган асрда,  
Ҳақиқат кўчаларда ҳайқириб оқди.  
Ҳақни истаганлар халққа қўшилди,  
Кимлар эса деразадан мўлтираб боқди.

Энг аввал майдонга чиқди талаба,  
Унинг усти бутун, қорни тўқ эди.  
Озодлик, эрк эди унинг талаби,  
У пайтлар миллатнинг эрки йўқ эди.

Оро кирайин деб халқнинг жонига,  
Ким у кун мансабу унвондан кечди.  
Ким эса келмасдан халқнинг ёнига,  
Ўзини ўйлади, имондан кечди.

Яхшиям оламда имони бутун,  
Миллатин уйлаган зотлар бор экан.  
Ҳа, улар билдилар эрк сўзин устун,  
Шулар-ку, ҳақ йўлида жонини тиккан.

Ҳақиқат дунёда ҳар кимга ҳар-хил,  
Гоҳо бутун, гоҳо ярим бўлиб кўринур.  
Ҳақиқат, ҳақиқат менинг кўзимга,  
Эркпарвар Шоди Карим бўлиб кўринур.

Устоз Шоди Карим, о, мухтарам зот,  
Диллардан ўчмагай асло отингиз.  
Ҳа, бу кун миллат ҳам, Ватан ҳам озода,  
Энди обод бўлсин охиратингиз.

...

Умримнинг мазмуни, руҳимнинг гули,  
Юрагим тубида очилган чечак.  
Мунча оғир экан ишқнинг бу йўли,  
Мунча оғир бўлди менга бу кеча.

Қалбинг қасрига кирайин бир зум,  
Мен кимни излайман, кимдан тонаман?  
Унда мен излайман ўзимни ўзим,  
Йўқ дема, йўқ десанг, баттар ёнаман.

Умримнинг мазмуни, руҳимнинг гули...



...

Бир боғ бўлса, кезсак иккимиз,  
Биздан бўлак бўлмаса ҳеч ким.  
Бошгинамда юрсам кўтариб,  
Ёлғизгинам, менинг севинчим.

Бир боғ бўлса, кезсак иккимиз,  
Бўлса ўрик, бодомлари ҳам.  
Кўрсак деймиз унда неки биз,  
Севгидай соф одамларни ҳам.

Бир боғ бўлса, кезсак иккимиз,  
Япроқлари турса шивирлаб.  
Бахт нелигин сезсак иккимиз,  
Шамол сирни кетса ўғирлаб.

Бир боғ бўлса, кезсак иккимиз,  
Гуллар унинг шеваси бўлса.  
Унга ниҳол эксак иккимиз,  
Ўғил-қизлар меваси бўлса.

Бир боғ бўлса, кезсак иккимиз,  
Ҳа, биз учун шундай боғ керак.  
Бахт нелигин сезсак иккимиз,  
Қовушганда юракка юрак.


## ЮР, ТОҒЛАРГА КЕТАМИЗ...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси  
Шукур Холмирзаев хотирасига

Букун юксак тоғлардан,  
Бир офир тош кўчдими?  
Кузги боғлар оралаб,  
Ғам қушлари учдими?  
Хазонлар боғларгамас,  
Юракларга тушдими?  
Ушбу ёруғ оламдан,  
Биз ҳам бир кун ўтамиз.  
Оғажон, бошинг кўтар,  
Юр, тоғларга кетамиз!

Оғажон, қара ахир,  
Дўрмонда боғинг қолди.  
Унда қанча баҳоринг,  
Гуллаган чоринг қолди.  
Бугун сен нега жимсан,  
Юракда доғинг қолди?  
Ушбу ёруғ оламдан,  
Биз ҳам бир кун ўтамиз.  
Оғажон, бошинг кўтар,  
Юр, тоғларга кетамиз!

Энди сен тинч ухлагин  
Ойбек ётган тупроқда.  
Бойсун йиғлар юрагимда,  
Бойсун йиғлар йироқда.  
Бу дунёнинг қувончидан,  
Аламлари кўпроқ - да.



Ушбу ёруғ оламдан,  
Биз ҳам бир кун ўтамиз.  
Оғажон, бошинг кўтар,  
Юр, тоғларга кетамиз!

Йўл юрсанг бу оламда  
Йўл чиқар, йўлдош чиқар.  
Яхшиларга қўл узатсанг,  
Қўл чиқар, қўлдош чиқар.  
Ҳали оппоқ тоғлар отар,  
Ҳар куни қуёш чиқар,  
Ушбу ёруғ оламдан,  
Биз ҳам бир кун ўтамиз.  
Оғажон, бошинг кўтар,  
Юр, тоғларга кетамиз!

Ахир, ўзинг айтардинг  
Бу жойларда нима бор.  
Тоғлар сенинг - юксак дардинг,  
У жойларда оппоқ қор.  
Ким ҳам айта олади,  
Қаерда мангу баҳор?  
Ушбу ёруғ оламдан,  
Биз ҳам бир кун ўтамиз.  
Оғажон, бошинг кўтар,  
Юр, тоғларга кетамиз!


Бу кун сенинг бошингга  
Тоғларнинг ўзи келди.  
Боғбонимга не бўлди, деб,  
Боғларнинг ўзи келди.  
Умрингни бунча эрта,  
Хазонли кузи келди?

Ушбу ёруғ оламдан,  
Биз ҳам бир кун ўтамиз.  
Оғажон, бошинг кўтар,  
Юр, тоғларга кетамиз!

...

Хаёлимда ҳамиша шундай,  
Сочларингни турибсан тараб.  
Хаёлимда ҳамиша шундай,  
Деразанга ўтаман қараб.

Хаёлимда ҳамиша шундай,  
Сен қўшиқлар айтасан яйраб.  
Наҳот, кетдинг, наҳотки, кетдинг,  
Мени хаёл - қўшиққа боғлаб.



## МУҲАББАТ

Турфа ранг гулларга бой, боғларим бордир менинг,  
Чўққилари осмонда, тоғларим бордир менинг.  
Тоғдай кўксимда армон, доғларим бордир менинг,  
Букун яна бир гулни суйдим, нетай, онажон?  
Шу гул ишқида ёниб, куйдим нетай, онажон?

У ҳам ўз тоғлари-ю, қирларин айтди менга,  
Фақат Оллоҳга аён сирларин айтди менга.  
Бир покиза муслима, пирларин айтди менга,  
Букун яна бир гулни суйдим, нетай, онажон?  
Шу гул ишқида ёниб-куйдим нетай, онажон?

Унинг сумбул сочини шамол бўлиб силайман,  
Юрагимга не бўлди, о, онажон, билмайман.  
Уни ўйлаб тунлари, фақат сим-сим йиғлайман,  
Букун яна бир гулни суйдим, нетай, онажон?  
Шу гул ишқида ёниб-куйдим нетай, онажон?

У кулса, ёришиб кетар жаҳоним,  
Сочлари сунбулим, сўзи райҳоним.  
У менинг армоним, сўнгсиз достоним,  
Букун яна бир гулни суйдим, нетай, онажон?  
Шу гул ишқида ёниб-куйдим нетай, онажон?

Ёшлигимда бир гулни суйганим етмасмиди?  
Тонглар қадар тўлғаниб, куйганим етмасмиди?  
Айрилиқ шаробига тўйганим етмасмиди?  
Букун яна бир гулни суйдим, нетай, онажон?  
Шу гул ишқида ёниб-куйдим нетай, онажон?

Бу дунёни оппоқ деб, ўйлагандим, бир пайтлар,  
Оппоқ қоғозга дардим сўйлагандим бир пайтлар.  
Мен ҳам бахт қўшиғини куйлагандим бир пайтлар,  
Букун яна бир гулни суйдим, нетай, онажон?  
Шу гул ишқида ёниб- куйдим нетай, онажон?

Онажон, менинг ўша овозим қайга кетди?  
Орзуларимдек оппоқ қоғозимга қайга кетди?  
Элик йиллик баҳорим, куз, ёзим қайга кетди?  
Кечир, Парвардигорим, номозим қайга кетди?  
Букун яна бир гулни суйдим, нетай, онажон?  
Шу гул ишқида ёниб- куйдим нетай, онажон?

Оҳ урсам, оламни куйдиради оҳим,  
Ўзи суймай, мени, суйдирар оҳим.  
Оҳ, агар муҳаббат бўлса гуноҳим,  
Гуноҳқор бандангман, кечир, Оллоҳим.  
Букун яна бир гулни суйдим, нетай, онажон?  
Шу гул ишқида ёниб- куйдим нетай, онажон?

Умримнинг ўртасида ёмғир- қорга дуч келдим,  
Чақмоқлари юракда, бир баҳорга дуч келдим.  
Бу қандайин кўргулик, симсиз дорга дуч келдим,  
Букун яна бир гулни суйдим, нетай, онажон?  
Шу гул ишқида ёниб- куйдим нетай, онажон?

Уни менга дуч этган йўлларга шукур дейман,  
Унинг товонин ўпган йўлларга шукур дейман.  
Гул юзин эслатувчи гулларга шукур дейман,  
Юрак куйиб- кул бўлди, кулларга шукур дейман.  
Букун яна бир гулни суйдим, нетай, онажон?  
Шу гул ишқида ёниб- куйдим нетай, онажон?



## УСТОЗ

Бахтлидир кимнинг-ки устози бордир,  
Устозким шогирдга оқ йўл тилагай,  
Устозсиз кимсалар сарсондир, хордир,  
Устозлар шогирднинг бошин силагай.

Устози бор, ҳатто, азиз пирларнинг,  
Барчасига устоз эрур жаноби Расул  
Маъносин ечиб берди ҳаёт сирларин,  
Расулуллоҳ — устоз бўлиб кўрсатдику йўл.

Сен қаён кетар эдинг, ахир, одамзод  
Пайғамбар кўрсатмаса сенга тўғри йўл?  
Тасаввур қиламан устозсиз ҳаёт,  
Чамансиз, майсасиз мисли қақроқ чўл.

Устози бор, ҳатто, ўша даҳшатли,  
Саҳнада олов ичра сакраган шерни ҳам,  
Бу қандай ҳайратки, бу қандай бахтки,  
Устози бор бобомиз Алишернинг ҳам.

Уйингга ёруғ нур ҳамда соф ҳаво,  
Кирсин деб эшик, ром ясар дурадгор,  
Меҳнат аҳли манманликни қилмаган даъво,  
Сабаби устанинг ҳам бир устози бор.

Устозидан ўрганган машҳур қизиқчилар,  
Сизга ҳадя этган қувончу кулгуларни ҳам,  
Устози бор бугун хўп боғалаб кетган,  
Икки оёқли қанча тулкиларни ҳам.

Бу қинғир замонга тик кўзла боққан,  
Қалби пок тўғрининг ҳам устози бордир.  
Ўзини зиёли деб галстук таққан,  
Муттаҳам ўғрининг ҳам устози бордир.

Ҳа, турфа устозлар бор ёруғ дунёда,  
Балким, бу сўзларим ёқмас кимларга.  
Қалбларни тўлдирса нурга, зиёга,  
Устоз сўзи ярашгай муаллимларга.

Сиз — миллат боғининг камтар боғбони,  
Устоз, Сиз яхшилиқнинг бари, барига,  
Ярашгай яхши кунда тилаклар айтсам,  
Эзгуликнинг сиздай улуг элчиларига.

Тилагим — беминнат, шу она қуёш,  
Азиз бошингиздан сочиб турсин нур,  
Узоқ умр кўринг, камида юз ёш,  
Оҳ, азиз устозлар, сизга ташаккур.

1985 йил

### ТҮРТЛИКЛАР

...

Армон билан боқардим, армон ўзимда қолди,  
Дарё бўлиб оқардим, дарё кўзимда қолди.  
Ниятларим кўп эди, бахтиёр эдим у дам,  
Сен йўқсан, энди улар бари изимда қолди.

...

Сесканиб кетаман тунлар уйғониб,  
Кўксимга мушт билан урасан қасддан.  
Севгилим, имкон йўқ, кечиргин мени,  
Қандайин қутқарайин сени қафасдан?

...

Сен жуда ўхшайсан, жуда ўхшайсан  
Осмондаги эмас, сувдаги ойга.  
Юрак денгизида сени кўп кутдим,  
Сен оқиб кетибсан бошқа бир жойга.

...

Ўн саккизда эдик иккимиз,  
Ўн саккизда эди бу олам.  
Ўн саккиздай эди севгимиз,  
Қайга кетдинг, ўн саккизгинам?!

...

Бизнинг қувончимиз шунчалар нурли,  
Бизнинг қувончимиз кўкларга етган.  
Севгилим, севгилим, осмонга қара,  
Сенинг кулгуларинг сочилиб кетган...

...

Қанийди ёнингда кўпроқ бўлсам мен,  
Қалб уйинг ёритувчи чироқ бўлсам мен.  
Ўзимни бир умр бахтли сезардим,  
Оёғинг остида тупроқ бўлсам мен.

...

Умрнинг тенг ярми, яхшию ёмони ўтди,  
Юракни кўп куйдирган қошию камони ўтди.  
Сен менга ҳар-хил гапни сўзлайверма кўп,  
Чиройли сўзларнинг замони ўтди.

...

*(Хориждан мактуб)*

Сиз Ватан бағрида яшайсиз қувноқ,  
Биз эса Ватанни тушларда кўрдик.  
Биз унинг олдида бўлсак - да тирноқ,  
Бир умр юракда кўтариб юрдик.

...

Турналар кетмоқда кўкда тизилиб,  
Изидан дарахтлар узоқ тикилди.  
Сўнг эса йиғлади бағри эзилиб,  
Айрилиқ япроққа оғирлик қилди.

...

Дарёнинг шиддати қирғоққа маълум,  
Офтобнинг ҳиммати япроққа маълум.  
Сен Оллоҳ номидан сўзлама, бадкор,  
Оллоҳнинг қудрати Оллоҳга маълум!

...

Асил деб алдашди, "лом"га дуч келдик,  
Қаср деб алдашди, томга дуч келдик.  
Асли иккиси ҳам мозийда экан,  
Тонг деб юрган эдик, шомга дуч келдик!

...

Тўқ демагай ўзини тўқлар,  
Йўқ демагай ўзини йўқлар.  
Тепкининг зарбидан кўксида армон,  
Ўқ демагай ўзини ўқлар.

...

Ҳаётда танишу ётларни кўрдим,  
Эгарланган, чавондозсиз отларни кўрдим.  
Бў қандай кўргулик, қандай томоша?  
Ўз халқин алдаган зотларни кўрдим.

...

Яхши сўз ҳар доим элга яқиндур,  
Яхши дўст ҳар доим дилга яқиндир.  
Яхши сўзу, яхши дўстинг бўлмаса,  
Билиб қўй қиёмат сенга яқиндир.

...

Энг аввал пок бўлсин дилди ниятинг,  
Ниятингга монанд кечсин ҳаётинг,  
Чексиз бойлик топгин, юксак мартаба,  
Йўқолмаса басдир самимиятинг.

### КАТРАЛАР

...

Термуласан юлдузларга сен,  
Термуламан юлдузларга мен,  
Фалакдами кўзимиз бизнинг?

...

Мен денгизда эмас,  
Уммонда ҳам эмас,  
Қуруқликда кўрдим наҳанг, китларни.

...

Бир озгина шабадага  
Шивирлаб қолди  
Дарахтлар...

...

Қиш бўйи тик туриб ухлаган дарахтлар,  
Қувончини яширолмай  
Кулиб юборди.

**ВАТАН СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР**

...

Шоир ўлса,  
Юрагини қучоқлаб ўлар,  
Чунки юрагида Ватани бор!

...

Бу тупроқда отам изи бор,  
Ўша йўлдан борурман мен ҳам.  
Болам ҳам келаётир изимдан...

...


Тўғрига ҳам маскандир,  
Ўғрига ҳам маскандир  
Шу азиз тупроқ...

...

Бу булбул  
Бунча сайрар,  
Бир ўзи боғ яратгандай.

...

Сен уни куйлама,  
Сен уни ўйла.  
Қўшиқ қилиб айтсин болалар.



## **ДЕНГИЗ**

*(Рафаэль Альбертидан)*

Денгиз, денгиз ва яна денгиз,  
Денгиз, денгиз бепаён денгиз.

Ота, нечун мени  
Шаҳарга келтирдингиз?

Туш кўрибман,  
Юрагимда ўйнар эмиш тўлқинлар.  
Олиб кетди сўнгра уни денгизга.

Ота нечун мени денгиздан айирдингиз?!

## ОНАНИ АСРАНГ

(Расул Ҳамзатовдан)

Куйлайман, неки бўлса абадий,  
Куйлайман, мадҳияга ўхшамаса ҳам.  
Юракда туғилган сўзлар жаранги,  
Ўз оҳангин топар ушбу дам.  
Менинг иродамга бўйсинмас улар,  
Юлдузларга талпиниб,  
Истар кенг осмон.  
Юрагим қувончу қайғули оҳангга тўлар,  
Қалбим мадҳияси жаранглар бу он!  
Аммо бу сўзни мен айтсам - ки қачон,  
Бу сўз мўжизадир, бу сўз бир олам.  
Ўрнингиздан туринг одамлар,  
Тириклар - у, шаҳид кетганлар.  
Ўрнингиздан туринг, суронли йилларнинг  
Болалари ҳам.  
Ўрнингиздан туринг юз йиллик қарағайлар,  
Ўрнингиздан туринг майсалар, қаддингиз ростланг.  
Ўрнингиздан туринг дунё гуллари,  
Ўрнингиздан туринг!  
Елкасида осмонни кўтарган тоғлар.  
Ўрнингиздан туринг ҳаммангиз!  
Тингланг бу сўзни.  
Дунёда бор гўзаллик бу сўзда жамдир.  
Бу сўз улуғ сўздир, бу сўз муқаддас.  
Қаддингизни ростланг,  
Ўрнингиздан туринг ҳаммангиз!  
Уни қанча улуғласак, шунчалар камдир.



Ҳар тонг тиклагани каби қаддини ўрмон,  
Қуёшга талпинган майса каби шод.  
Бу сўзни эшитган он, ўрнингиздан туринг!  
Бу сўз ичра жодур бутун бир ҳаёт.  
Даъват ва дуодан иборат бу сўз.  
Бу сўзда яшайди чинакам бир қалб,  
Англамоқнинг илк учқунидир бу.  
Чақалоқнинг илк табассуми у.  
Бор бўлсин бу сўз қиёмат қадар,  
Ҳар қандай тўсиқни ёриб ўтар у.  
Тош юрак кимсани уйғотар ҳатто,  
Виждон азобин ҳам юмшатади у.  
Ҳеч қачон, ҳеч кимни алдаган эмас,  
Унда яшириндир ҳаёт мазмуни.  
У ҳаёт чашмаси, йўқдир поёни.  
Ўрнингиздан туринг.  
Мен ҳозир айтаман, ўша бир сўзни,  
Мен учун оламда шу сўз ягона,  
Ўша сўз, ўша сўз, ўша сўз — Она!

## МУНДАРИЖА

|                                           |    |
|-------------------------------------------|----|
| Най ноласи.....                           | 3  |
| Куз қўшиғи.....                           | 4  |
| Куз ёмғири.....                           | 4  |
| Кузги хазонлар.....                       | 5  |
| Куз осмони.....                           | 5  |
| «Нақадар тинч, осуда оқшом...».....       | 6  |
| «Олис хотиротнинг ранги сарғайди...»..... | 6  |
| Ўтган аср қирқинчи йиллар қўшиғи.....     | 7  |
| Куз келса боғларда япроқ тўкилур.....     | 8  |
| Қайга кетдинг Баҳодир.....                | 9  |
| «Тун бўйи негадир уйқум келмади...».....  | 12 |
| Нозим Ҳикмат.....                         | 13 |
| «Суюнган одамдай жилмаяр қуёш...».....    | 14 |
| «Поезд чинқириб ўтар...».....             | 14 |
| Пахтакор сингилларимга.....               | 15 |
| Сени излаб.....                           | 15 |
| Соғинч.....                               | 16 |
| Тилак.....                                | 17 |
| «Гулим, сенга айтар сўзим бордур...»..... | 18 |
| Қайдасан.....                             | 19 |
| Онажон.....                               | 20 |
| Онамнинг овози йўқ.....                   | 21 |
| Онам хотирасига.....                      | 23 |
| Шар.....                                  | 24 |
| Ватан.....                                | 26 |
| Тагорнинг сўзи.....                       | 27 |
| Қадимги қўшиқлар.....                     | 28 |
| Миртемирнинг йўли.....                    | 31 |

|                                                |    |
|------------------------------------------------|----|
| Тун, ёмғирдан сўнг.....                        | 31 |
| «Хиёнатнинг қанақа ранги...».....              | 32 |
| Кўзларинг.....                                 | 33 |
| Баҳор.....                                     | 34 |
| Паҳлавои Маҳмуд.....                           | 35 |
| «Умр ҳам Оллоҳдан...».....                     | 36 |
| Янги йил арафасида.....                        | 37 |
| Болалик.....                                   | 38 |
| Онам кўшиғи.....                               | 39 |
| Қалдирғоч.....                                 | 40 |
| «Сени кеч англадим, кечиргин мени...».....     | 41 |
| «Сенсиз ғариб кўринар боғлар...».....          | 41 |
| «Бу кун юксак тоғлар лолалар очилибди...»..... | 42 |
| «Фақат вақт ростини ёзар...».....              | 43 |
| Кечиримлар.....                                | 43 |
| Жалолиддин Мангубердини сўнги кўшиғи.....      | 44 |
| Чўли проқ.....                                 | 45 |
| «Билмасман, бу юрак неларни истар...».....     | 46 |
| «Пахтаси йўқ ғўзага ўхшаб кетаман гоҳ...»..... | 47 |
| Ҳақим йўқ.....                                 | 48 |
| Онамга хат.....                                | 50 |
| Ҳижрон дарёси.....                             | 51 |
| ?.....                                         | 52 |
| Сўнги кўшиқ.....                               | 53 |
| «Фалсафа ҳақида сўзлаймиз баъзан...».....      | 54 |
| Хотира.....                                    | 54 |
| «У кетди бутунлай бошини олиб...».....         | 55 |
| Кетяпман, йўлларим олис.....                   | 56 |
| «Мен энди тушундим ўзимни ўзим...».....        | 57 |
| Ишонч.....                                     | 58 |
| Шеърят.....                                    | 59 |
| «Йўқ, сен алдамадинг ҳеч кимни...».....        | 60 |

|                                         |    |
|-----------------------------------------|----|
| «Хаёлимда ёришса тонглар...».....       | 61 |
| Усмон Носир.....                        | 62 |
| «Сарсон юрар ташқарида тун...».....     | 63 |
| «Суйса-суйсин дедингми...».....         | 64 |
| Умр.....                                | 64 |
| Шашмақом.....                           | 65 |
| «Ойдин кеча...».....                    | 65 |
| «Тўқсонинчи йиллар...».....             | 66 |
| «Умримнинг мазмуни...».....             | 67 |
| «Бир бов бўлса, кезсак иккимиз...»..... | 68 |
| Юр, тоғларга кетамиз.....               | 69 |
| «Хаёлимда ҳамиша шундай...».....        | 71 |
| Муҳаббат.....                           | 72 |
| Устоз.....                              | 74 |
| Тўртликлар.....                         | 76 |
| Қатралар.....                           | 80 |
| Ватан суратига чизгилар.....            | 81 |
| Денгиз. (РАФАЭЛ АЛЬБЕРТИДАН).....       | 82 |
| Онани асранг. (РАСУЛ ҲАМЗАТОВДАН).....  | 83 |

400002

## **БЕРДИ РАҲМАТ**

# **ЙЎЛ**

### **Шеърлар**

Муҳаррир *Шукур Қурбан*  
Бадийий муҳаррир *Уйғун Солиҳов*  
Техник муҳаррир *Аслиддин Жураев*  
Саҳифаловчи *Акмал Журабоев*

Муқовада Ўзбекистон Халқ рассоми Алишер Мирзо  
чизган суратдан фойдаланилди.

Нашриёт лицензияси: АІ №159, 14.08.2009.  
Босишга 2012 йил 28 мартда рухсат этилди.  
«Балтика уз» гарнитурасида. Бичими 84x108.<sup>1</sup>/<sub>16</sub>  
Ҳажми 5,11 ш.б.т Адади 1000 нусха.  
Буюртма № 7

«ВОДИЛ ПРИНТ» хусусий корхона  
босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Фарғона тумани, Водил қишлоғи  
Марғилон кўчаси.